

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
Фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишнинг
ЮРИДИК ТАБИАТИ ВА АСОСЛАРИ**

Зоир Шониёзович ШОФИЕВ

мустақил изланувчи

Тошкент Давлат Юридик Университети

Тошкент, Ўзбекистон

[zoir shofiev.72@mail.ru](mailto:zoir_shofiev.72@mail.ru)

Аннотация

Маколада фермер хўжаликларининг сув ресурсларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик табиати ва асослари ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, сув истёъмолчилари, трансгегаравий сув ресурслари, сувдан фойдаланувчилар, сув лимити, сув қонунчилиги, табиий ресурслар.

**ПРАВОВАЯ ПРИРОДА И ОСНОВЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ФЕРМЕРСКИМИ
ХОЗЯЙСТВАМИ**

Зоир Шониёзович ШОФИЕВ

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

[zoir shofiev.72@mail.ru](mailto:zoir_shofiev.72@mail.ru)

Аннотация

В статье рассматриваются правовая природа и основы правового регулирования использования водных ресурсов фермерскими хозяйствами.

Ключевые слова: водное хозяйство, сельское хозяйство, водопотребители, трансграничные водные ресурсы, водопользователи, лимит воды, водное законодательство, природные ресурсы.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг сув ресурсларидан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик базаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва ғояларига асосан изчил ривожланмоқда ва такомиллашмоқда.

Масалан, Давлат раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 17 апрель ПҚ–3672-сон қарори [2] ҳам сув хўжалиги соҳасидаги давлат бошқарувини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, мазкур қарор асосида Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш

бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди, сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сув олиш лимитларини белгилаш тартибини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июнь ПФ–5742-сон Фармониға мувофиқ 2019-2022 йиллар давомида 253 381 гектар экин майдонида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди [1].

Шунингдек, мазкур Фармонға асосан янги фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш жойларида сувни бошқариш ва ҳисобға олиш воситалари билан мажбурий тарзда жиҳозлаш шарти билан ташкил этилиши ҳамда ер майдонларини фойдаланишға киритиш сувни тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, тупрок остидан томчилаб суғориш ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда амалға оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 11 декабрь 982-сон қарори [4] билан сув истеъмолчилари уюшмалари фаолияти такомиллаштирилди. Қарорға асосан уюшма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида фермер ва деҳқон хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари ўртасида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибға солиш ҳамда сув истеъмоли бўйича шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш белгиланди. Шу билан бирга сув истеъмоли режалари, сув олиш лимитлари, бизнес-режалари уюшманинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу даврда қабул қилинган аксарият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда сувни тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

2019 йил 9 октябрь ПҚ–4486-сон қарори [3] билан сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантириш, шу жумладан бошқарув тизимини такомиллаштириш, сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий барқарорлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун йиғимлар тўлиқ тушишини таъминлаш, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари жойлашувини ва улар томонидан хизмат кўрсатилаётган ҳудудлар чегараларини қайта кўриб чиқиш вазифалари белгиланди.

Яна бир муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 3 апрель 174-сон қарори бўлиб, унда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини такомиллаштириш вазифалари кўзда тутилган.

Мазкур қарор билан фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги учун сувни истеъмол қилишда олинадиган сувни ҳисобга олиш, уларнинг тегишли сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлангунга қадар, ҳажмий, ҳисобий ва бошқа усулларда, ҳақиқий суғориладиган майдонларни, суғоришлар сонини, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режимини, сув олиш давомийлиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланди. Шу билан бирга сув истеъмолчиси сифатида фермер хўжалиги ва сув истеъмолчилари уюшмаси ўртасидаги сувни кундалик ҳисоб журнали туман (шаҳар) ирригация бўлимларида рўйхатга олиниши назарда тутилди.

Юқоридагилар асосида келгусида фермер хўжаликларининг сувдан фойдаланишининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро тажриба, қишлоқ хўжалиги бўйича илмий тадқиқот институтлари томонидан тақдим этилган натижалар ҳамда сувни тежайдиган технологияларни босқичма-босқич жорий қилиш ва келгусида иқлим

Ўзгариши таъсирини эътиборга олиб, турли тупроқ ва иқлим шароитлари учун сувга бўлган талаб, экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинларини танлаш ва етиштириш тартибини жорий этиш лозим.

Шу билан бирга сув ресурсининг ўзгарувчанлиги ва қурғоқчилик шароитида сувни самарали бошқариш ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш мақсадида сув олиш лимитининг юқори чегараларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Яна бир муҳим масала сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, фермер хўжалиги томонидан *сувни тежовчи технологияларни* жорий этиш бўйича кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини инобатга олиб, ушбу масалаларни *қонун даражасида белгилаш, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.*

Юқоридагилардан ташқари, юридик адабиётларда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилмоқда.

Хусусан, бу борада М.Х.Аширбаева таъкидлаганидек, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни амал қилиб келаётганига чорак асрдан зиёд вақт бўлди. Ушбу давр ичида Қонун муайян ижобий ролни бажарди, миллий ва трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш, улардан самарали фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини адо этди. Бироқ, бугунга келиб, Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида акс эттирилган сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизими доирасидаги муносабатларнинг мақбул ҳуқуқий механизмларини ўзида мужассамлаштирувчи Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жиддий самара беради [5].

Яна бир ўзбек тадқиқотчиси Ҳ.Ш.Ҳайитов ҳам сув қонунчилиги ҳужжатларини тизимлаштиришнинг пировард натижаси сифатида Сув

кодексини қабул қилган Филиппин (1977), Кот д'Ивуар (1996), Швеция (1999), Франция (2000), Италия (2006), Қозоғистон (2007) ва Эстония (2011) каби мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини қабул қилишни таклиф қилади [8].

Атоқли эколог-ҳуқуқшунос олимларимиз Ж.Т.Холмўминов, Й.О.Жўраев, М.Б.Усмонов ва Ш.Х.Файзиевлар ҳам сув қонунчилигини ислоҳ этиш заруратини асослаганлар. Бошқа муаллифлар ҳам сув соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бу борадаги қонунчилик ҳужжатлари сонини кўпайтириш эмас, балки амалдаги ҳужжатларни тизимлаштириш, уйғунлаштиришга, авваламбор, қонунчиликнинг таъсирчанлиги ва ижросини тўла-тўқис таъминлашга қаратилган бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар.

Ушбу масала юзасидан фикр билдиришда масаланинг икки жиҳатига эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, Ўзбекистонда ҳам Сув кодексини ишлаб чиқиш ғояси янгилик эмас ҳамда қонунчилик ҳужжатларида ҳам бир неча марта такрорланган. Хусусан, 2005 йил 15 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифалари ҳисобга олинган ҳолда 2005 йилга ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастурида ҳам 2008 йилда Сув кодексини қабул қилиш вазифаси белгиланган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПК–5005-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси қабул қилиш вазифаси белгиланган.

Иккинчидан, маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган эди.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология кодекси лойиҳаси устида ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан Экология ва сув кодексининг ўзаро нисбати қандай бўлади, деган табиий савол туғилади.

Бу борада Ҳ.Ш.Ҳайитов Экология кодексини фақат табиат объектларини муҳофаза қилишга қаратилган қоидалар асосида шакллантириш, Сув кодексини эса ҳам муҳофаза, ҳам фойдаланиш мазмунидаги қоидалардан иборат тартибда яратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди [8].

Ж.И.Сафаров, аксинча, кенг кодификацияни қўллаган ҳолда сувга оид барча, шу жумладан, фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид нормалар ҳам Экология кодекси доирасида қамраб олиниши лозим, деб ёзади ҳамда экология қонунчилиги кодификацияланганда, қўшимча равишда тор тармоқ қонунчилигини (ер, сув, ўрмон ва б.) кодификациялашни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди [6].

Ж.Т.Холмўминов фикрича эса, Ўзбекистон Республикаси экологик кодексининг қабул қилинишида кўпроқ хорижий тажрибага эътибор бериш лозимлиги алоҳида таъкидланади [7].

Фикримизча, мазкур ҳолатда сув қонунчилигини кодификациялаш масаласи Экология кодекси қабул қилингандан кейин у билан узвий боғлиқликда ҳал қилиниши зарур. Албатта, Экология кодексида ҳам табиий ресурслардан фойдаланиш, ҳам табиатни муҳофаза қилишга оид нормаларни тўлиқ қамраб олган ҳолда яхлит, ягона ҳужжат қабул қилиниши мантиқан тўғри ва экологик-ҳуқуқий нормаларни амалда қўллашни сезиларли даражада осонлаштиради.

Бироқ, бу даражада мураккаб ҳужжатнинг тайёрланиши ва қабул қилиниши қийинлигини инобатга олиб, дастлабки босқичда Экология кодексида фақатгина муҳофаза аҳамиятидаги умумий нормаларни, Сув кодексида эса, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид махсус нормаларни қамраб олиш, бунда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги муҳим масалаларни ҳам қонун даражасида тартибга солиш учун Сув кодексига киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга касб этиб бораётган масала бу – *агрокластерлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ*. Маълумки, ҳозирги вақтда агросаноат кластерлари мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун иқтисодий ўсишнинг “драйвери” вазифасини бажармоқда. Улар қўшимча қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди ҳамда алоҳида корхоналарнинг рақобатдаги устунлигини кучайтиради. Агросаноат кластерлари қишлоқ хўжалиги тараққиёти ҳамда мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлик даражасини оширишнинг инновацион йўллари билан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан агрокластерларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қонунчиликда мустаҳкамлаш, хусусан, ушбу масалани ҳам қамраб олувчи алоҳида *“Агросаноат кластерлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ*.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июн ПФ–5742-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2019 й., 06/19/5742/3297-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрель ПҚ–3672-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 07/18/3672/1086-сон.

3. Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрь ПҚ–4486-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2019 й., 07/19/4486/3886-сон

4. Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрь 982-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.12.2019 й., 09/19/982/4137-сон.

5. Аширбаева М.Х. Ўзбекистон давлатининг минтақавий сув ресурсларидан оқилona фойдаланишни ташкил этиш функцияси ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари: юри фанлар бўйича фал. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 20 б.

6. Сафаров Ж.И. Экология соҳасида қонун ҳужжатлари тизими ва уларни кодификациялаш: юрид.фан.док. дисс.– Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 144 б.

7. Холмўминов Ж.Т. Ҳуқуқ устуворлиги: Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар даврида замонавий ёндашув //Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б.9-16.

8. Ҳайитов Ҳ.Ш. Сув қонунчилигини кодификациялашнинг ўзига хос хусусиятлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020. – №36. – Б. 42-43.